

БОБУР – МУНАҚҚИД

Ҳазратқулова Элмира

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

e-mail: Elmirakhazratkulova@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада «Бобурнома» асаридан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий танқидий фикрлари ўрганилган. Бобурнинг адабий қарашлари Ҳирот адабий муҳити мисолида таҳлил этилган. Ҳиротдаги шоирлар, санъаткорлар, мутасаввуф олимларнинг адабий фаолиятига Бобурнинг ҳолис баҳоси ҳамда назарий фикрлари туркий адабиётшунослик соҳасининг ривожига тугатган ўрни ҳақида фикрлар борган. Мақолада қиёсий, биографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: адабий танқид, адабий муҳит, ижодий портрет, бадиий маҳорат, тасаввуфий адабиёт

Аннотация: В статье исследуются литературно-критические взгляды Захириддина Мухаммада Бабура в его произведении «Бобурнома». Литературные воззрения Бабура анализируются на примере литературной среды Герата. Обсуждалась объективная оценка Бабуром литературной деятельности поэтов, художников и мистиков в Герате, а также роль его теоретических идей в развитии турецкой литературы. В статье использованы методы сравнительного, биографического анализа.

Ключевые слова: литературная критика, литературная среда, творческий портрет, художественное мастерство, мистическая литература.

Abstract: This article examines the literary critical views of Zahiriddin Muhammad Babur in his work "Boburnoma". Babur's literary views are analyzed on the example of the literary environment of Herat. Babur's objective assessment of the literary activity of poets, artists, and mystics in Herat, as well as the role of his theoretical ideas in the development of Turkish literature, were discussed. The article uses comparative, biographical analysis methods.

Key words: literary criticism, literary environment, creative portrait, artistic skill, mystical literature

КИРИШ: Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида бир неча фанларга дахлдор илмий маълумотлар ўрин олган бўлиб, бу ҳолат муаллифнинг қомусий илмларни эгаллаганидан далолат беради. Бобур ўз давридаги адабий муҳит ва адабиётшунослик масалаларига ҳам диққат билан ёндашган бўлиб, унинг Ҳирот адабий муҳити ҳақидаги қарашлари орқали унинг мунаққид сифатидаги салоҳиятига гувоҳ бўлишимиз мумкин бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ: Ҳусайн Бойқаро тасарруфидаги муҳит ҳақида атрофлича “Шуародин рукнида ўзига замондош бўлган ўн тўрт шоир, уч рассом, саккиз мусанниф ва бир қанча мусиқачилар ҳақида маълумот беради”¹. Ҳамда ҳассос Бобурнинг теран нигоҳи-ла Ҳирот шаҳри цивилизасиясини яққол кўз олдимизга келтирувчи қуйидаги: “... Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай”² деб тасвирланган манзараси Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони XIX мақолатидаги гўзал Ҳирот тасвирига ҳамоҳангдир:

Оллоҳ-оллоҳ, не Ҳири, бу Ҳири,

*Бир-биридан турфа анинг ҳар бири*³

Муаззам Ҳиротнинг маданий-адабий муҳитини ёритишда Бобур бу жамоатчилик таркибини турли гуруҳларга таснифлаган ҳолда диққат қаратади. Бу гуруҳлар қуйидагилардир: авлоди, умароси, судур, вузаро, шуаро, хушнавислар, мусаввирлар, аҳли нағма, мусанниф каби гуруҳлар. Бу таснифларнинг ҳар бирига мухтасар тўхталган Бобурнинг мунаққид сифатидаги дунёқараши намоён бўлади. Масалан, Ҳ.Бойқаро тасарруфидаги Ҳирот ижтимоий муҳитини *умаро* ва *вузаро* гуруҳларида

¹ Болтабоев Ҳ. “Бобурнома”да Андижонийлар// Мумтоз сўз кадри. -Т.:Адолат. 2004.-Б.59.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ. НМАК. -Т.:2002. -Б137.

³ Навоий. Хамса.Нашрга тайёрловчи А.Ҳожиаҳмедов.-Т:Янги аср авлоди. 2010.-Б. 66.

ёритиш мақсад қилинган бўлса-да, бу гуруҳлар таркибидаги шахслар фаолиятида ҳам уларнинг таъби назми ва сўзга бўлган муносабатига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, *авлоди* дея гуруҳланган Ҳусайн Бойқаронинг ўғил ва қизлари ҳақидаги маълумотларида уларнинг феъли-сажияси, ахлоқ-атвори ҳақида гапирар экан, таъби назмга ҳавасмандлиги тўғрисида ҳам кузатишларини маълум қилади. Ҳ.Бойқаронинг саналган ўн тўрт ўғлидан Бадиъуззамон мирзо, Шох Ғариб мирзо, Муҳаммад Ҳусайн мирзо, Иброҳим Ҳусайн мирзо кабиларнинг адабий истеъдоддан бебаҳра эмаслиги ҳақида маълумот беради. Хусусан, Бобур Шох Ғариб мирзонинг таъби ҳақида гапирар экан, унинг шоирлик қобилиятига илиқ муносабатда бўлади: «Яна Шох Ғариб мирзо эди, букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, таъби хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Ғарибий» тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди».⁴ Бобурнинг Шох Ғариб мирзо ҳақидаги бу эътирофи бошқа шахзодалар таърифидан ўзгача фарқланади. Бошқа шахзодалар таърифида уларнинг феълидаги қусур ва фазилатлар аввал саналгани ҳолда сўнгра назмга бўлган муносабатига тўхталинган бўлса, Шох Ғариб мирзога ажратилган портрет эса (Хиротга ҳокимлигини таъкидлаш билан бирга) фақатгина унинг ижодий қиёфаси билан кифоялангани характерлидир. Бироқ шу мухтасар таърифда ҳам Бобурнинг адабиётшунос сифатидаги маҳорати унинг таққослаш усули орқали юзага чиққан. Бобур шахзоданинг *ҳайъати ёмонлигини таъби хўблигига* қарама-қарши равишда, *бадани нотавон* эканини эса *каломининг марғублигига* зидлаши натижасида етук шоирликни кишининг маънавий дунёсига безак сифатида кўрмоқчи бўлади. Кишининг ташқи қиёфаси ва маънавий оламини таққослаш бошқа бир темурий шахзода Сухроб мирзо таърифида ҳам учрайди: «Мен .. Ҳисорни олғонда, менинг қошимда эди. Бир кўзи кўр эди. Ғариб бадҳайъат эди. Ахлоқи ҳам ҳайъатидек эди. Бир беъиътидоллик қилди, тура олмади, кетти. Астрабод навоҳисида бир беиътидолиғидин Нажми соний азоб била

⁴ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарҳ. НМАК.-Т.:2002. –Б.129.

ўлтурди».⁵ Яна Бобур таърифидан Шоҳ Ғариб мирзонинг девон тузишга улгурганлиги, туркий тилда ва форсий тилда шеър ёза олиш қобилиятини ҳосил қилгани ҳам унинг шоирлик салоҳиятини белгилаб берувчи энг муҳим нуқталардир. Зеро, шоирнинг девон тартиб бериш қоидаларини ўзлаштириши ҳам осон вазифа эмас эди. Демак, бу ўринда Бобур диққат қилган масала ортидан девон тузиш жараёнини ўз даврида муҳим адабий анъаналардан бири бўлганига яна бир бора шоҳид бўламиз. Бобур Шоҳ Ғариб мирзонинг қуйидаги байтини унинг ижодидан намуна сифатида келтириб ўтади:

Дар гузар дидам парирўе шудам девонаш,

Чист номи ў, кужо бошад надонам хонааш.⁶

Баъзи шахзодалар таърифида эса, уларнинг *битимакка лойиқ бўлган* сифатнинг ўзи йўқлигини, лекин таъби назми борлигига диққат қилиш орқали уларнинг тарихий портретини ижодий қиёфаси билан тўлдирмоқчи бўлади. Бу каби ижодий портретлар Бобурнинг адабий-эстетик қарашларини янада ёрқинроқ акс этишида муҳим омил бўлади. Масалан, Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг Шоҳ Исмоил билан бир зиндонда ётиб, шиа мазҳабини қабул қилгани, *ота-огаси сунний бўлиб, ўзининг рофизий бўлгани*, кейинчалик Астрободда ўшал гумроҳлик билан ўлиб кетгани ҳақида ёзар экан, ижобий хислатларини ҳам қидиришга ҳаракат қилади: «Ани хейли мардона ва баҳодур дерлар эди. Ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмадиким, битимакка лойиқ бўлғай. Таъби назми бор экандур. Бу байт анингдурким:

Олудаи гарди зи пайи сайд ки гашти,

Ғарқи арақи дар дили гарм ки гузашти»⁷.

⁵ Ўша манба.

⁶Маъноси: Гузарда бир пари юзни кўриб, девона бўлдим, унинг исми нима, уйи қасрда эканини билмадим.

⁷ Маъноси: Ов кетидан юришинг билан чангга ботдинг, кизгин юракка таъсиринг билан терга ботдинг. 130-б

Демакки, Бобур тарихда темурийлар наслидан бўлган, салтанат ва давлат юмушларида ҳафсаласиз бўлган, бироқ отаси раҳнамолик қилаётган адабий муҳитининг вакили-темурийзода шоирни унутмаслигимиз учун ҳам маълумот қолдирмоқда. Ҳусайн Бойқаро қизлари ҳақида ёзар экан, унинг тўнғич қизи Султонбегимнинг хислатларини бошқаларникидан фарқлаб, ажратиб кўрсатади: «Боридин улуғ қиз Султонбегим эди. Хейли сўз билур эди.»⁸. Демак, бу ўринда Ҳусайн Бойқаронинг ўн бир қизи ичидан фақат биттасини, яъни Султонбегимнинг *хейли сўз билишини* таъкидлаши орқали Бобурнинг аёл ижодкорлар, сўзамол ва нуқтадон аёлларга эҳтиром кўрсатиши, таъби назм борасида уларнинг ҳам иқтидорига ўз холис нигоҳини ташлагани эътиборга лойиқ жиҳатдир.

Ҳирот адабий муҳитида Бобур аҳамият қаратган адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан яна бири бу *асарнинг мазмун ва зояси* билан боғлиқдир. Унинг таҳлилларида маълум бир асарнинг бадиий етуклиги фақат шеър шакллариининг мукамаллиги билангина эмас, балки асар бадиий ҳақиқатининг тарихий ҳақиқатга уйғун келиши кераклиги ҳақида ҳам баҳс боради. Бу ҳақдаги унинг эстетик қарашлари айнан шоирларга ажратилган саҳифалардан кўра, *Судур* гуруҳидаги Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийнинг сифатлари таърифланаётган ўринда аниқроқ билинади: «Яна Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий эди, агарчи сўфи эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербекнинг қошида мундоқ мутасаввуфлар йиғилиб, важд ва само қилур экандур. Аксаридин мунинг усули яхшироқ экандур. Голибо сабаби риояти усули бўлубтур. Ўзга дегудек ҳайсияти йўқ эди.»⁹ Аввало, таъкидлаш керакки, тасаввуф аҳли томонидан «Хуросоннинг ҳавоси ярим пирликни беради.» нақлидаги эътироф орқали бу юртда нақадар кўп тасаввуф намоёндаларининг камолга етгани англашилса, шу билан бирга бу маънавий оқимга фақат зоҳиран ёндашиб, уни шаклан илм сифатида ўзлаштириб, аслан сўфийлик даражасига эришмаганлар тоифаси ҳақида ҳам тушунишимиз

⁸ Ўша манба.130-б.

⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ.НМАК.- Т.:2002. -Б.136.

мумкин. Камолиддин Хусайн Гозургоҳийнинг *рақси само* мажлисидаги фаоллиги ҳақидаги лавҳаси ортидан яна бир жиҳат Навоий феноменининг бу муҳитда қанчалар муҳим аҳамият касб этгани, унинг қошида эътибор топиш ҳар бир аҳли илм, аҳли шуаро ва мутасаввуфлар учун алоҳида воқелик бўлгани ҳам англашилмоқда. Ҳирот адабий муҳитида Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари нечоғлик улкан аҳамият касб этгани ҳақида адабиётшунос Усмонжон Қосимовнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Бинобарин, ўз даврида неча ўнлаб етук мунаққид ва адабиётшунослар зиммасидаги улкан вазифани Навоий бир ўзи бажариб келгани жаҳон адабий-эстетик тафаккури тарихида истисно бир ҳолат —*Қирқ йилга яқиндирки, олам мамлакатлари фозиллари ва комилларининг улуг шаҳри ва илмий маркази Хуросон юртининг барча назм аҳли, шоирлари ва мухтарам фасоҳат аҳли қозғоз юзига қандай маъно билан оройиш ва қайси сўзлар билан дафтарлар юзларини беаб, намоиши қилмоқчи бўлсалар, мен фақир суҳбатига етказдилар ва бу заифга маъқуллаиб, ўз асарлари нуқсу қусурлари ислоҳини сўрадилар*” Навоий фаолияти қанчалар кўламдор бўлганини тасаввур қилиш учун тарихий ва адабий манбалардан бир қиёс келтириш кифоя”.¹⁰ Бобур Камолиддин Хусайн Гозургоҳийнинг *ўзга дегудек ҳайсияти йўқлигини таъкидлагач*, унинг ижодига тўхталади: «Бир таснифи бор: «Мажлис ул-ушшоқ» отлик. Султон Хусайн мирзонинг отиға боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксари ёлғон ва бемаза беадабона ҳарфлар битибтур. Андоқким, баъзидин таваҳхуми куфрдир. Нечукким, хейли анбиёни ва авлиёни алайҳис салом мажозий ошиқликка мансуб қилиб, ҳар қайсиға маъшук ва маҳбубе пайдо қилибтур. Яна ажиб гўлона амредурким, дебочада Султон Хусайн мирзо, ўзумнинг таҳрир ва таснифимдур, деб битибдур. Камолиддин Хусайннинг ашъор ва ғазалиётининг бошида тамом «лимухарриҳи» битилибдур». ¹¹ Бобурнинг бу танқидий мулоҳазаларидан икки жиҳат кўзга ташланмоқда: китоб ёзиб тугатилгач, унинг Хусайн

¹⁰ Қаранг: Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик. -Т.2020. –Б.22. Навоий А. Муҳокамат ул-луғатайн. -Т.: Тафаккур.2014. –Б.106.

¹¹ Ўша манба.

Бойқаро номидан эълон қилиниши ва Бобур наздидаги *аксари ёлгон* асарнинг Ҳусайн Бойқаро томонидан ўзимники деб даъво қилиниши; иккинчиси, асар сюжетининг диний мавзусидаги бадиий ҳикоятлардан ташкил топгани ва уларнинг тарихий ҳақиқатга мувофиқ келмаслиги ҳақидадир. Бу асардаги баъзи ҳикоятлар сюжети эса ҳаттоки куфр даражасида талқин этилмоқда. Яъни Бобурнинг танқидида диний-тасаввуфий мазмундаги асарларнинг бадиий тўқима ва ижодий ҳаёлотга бой бўлиши кескин қораланмоқда. Туркиялик олим Лаъли Улуш «The Majlis al-Ushshoq: Written in Herat, Copied in Shiraz, Read in Istanbul»¹² номли мақоласида «Мажлис ул-ушшоқ» асарининг қўлёзма нусхалари ва унинг тарқалиш майдони ҳақида сўз юритар экан, бу китобнинг Усмонлилар даврида адабиёт ихлосмандлари ўртасида жуда машхур бўлгани ҳақида маълум қилади. Усмонлилар ва Сафавийлар ўртасидаги 12 йиллик урушнинг сулҳи тузилаётган пайтда, (1580 йилларда) усмонлилар эронликлардан айнан шу асарнинг Шероз нусхасини талаб қилишган. Яна олимнинг таъкидлашича, бу китоб туркиялик китоб йиғувчи ихлосмандлар томонидан тўпланган коллекциялар ичида Навоий ва Ҳусайн Бойқаро асарлари билан бир жойда сақланган. Шунингдек, олим Лаъли Улуш бу асар қўлёзмаси нусхаларига чизилган миниатюралар сюжетида ҳам тубдан бурилишлар бўлгани, янгича йўналишлар пайдо бўлгани, бу ҳолат асарнинг мазмуни билан бевосита алоқадорликда кечгани ҳақида хабар беради. Яна олим диққат қаратган ҳодисалардан бири усмонли адабиёт шайдолари бу китобнинг муаллифи сифатида Ҳусайн Бойқарони тан олишлари ва унинг сиймосини идеаллаштиришга мойиллик сезилганидир. Тасаввуфий мазмундаги асарларда рамзлар ва мажозий ишқ воситалари ҳақида етарли билимга эга бўлган аллома Бобур айнан пайғамбарлар ҳаёти ҳақидаги таснифларда эҳтиёткорлик қилиш лозимлигини уқтирмоқчи бўлади. Ишқий-тимсолий образларнинг бадиий асар таркибида қўлланиши ҳақидаги Бобурнинг муҳим

¹² M. Ugur Derman Armagani. Altmisbesinci Yasi Munasebetiyle Sunulmus Tebligler. The *Majilis al-Ushshaq*:Written in Herat, Copied in Shiraz, Read in Istanbul».Sabanci universitesi-2000.p-34

карашлари кейинги шоир Ҳилолий маснавийси билан ҳам боғлиқ ҳолда давом этади: « Яна Ҳилолий эди. Бу тарихда ҳам бордур. Ғазаллари ҳамвор ва рангин ва кам хадшадур. Девони ҳам бордур. Бир маснавийси бор, «хафиф» баҳрида «Шоҳ ва Дарвеш»қа мавсум, агарчи баъзи байтлари тавре воқия бўлубтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устухонбандлиғи бисёр ковок ва харобтур. Шуаройи муқаддам ишқ ва ошиқлик учун маснавийларким айтибдурлар, ошиқликни эрга ва маъшукликни хотунға нисбат қилибтурлар. Ҳилолий дарвешни ошиқ қилубтур, шоҳни маъшук. Абётеким, шоҳнинг афъол ва ақволида дебтур, ҳосилким шоҳни жалбий ва фоҳиша қилибтур. Ўз маснавийсининг маслаҳатиға бир йигитни ва яна шоҳ йигитини бисёр бесураттурким, жалблар ва фоҳишалардек таъриф қилғай»¹³. Бобурнинг бу таҳлили мазмунан рамзий ишқ мавзусига дахлдорлиги билан Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий ижоди таснифи ҳақидаги мулоҳазасининг давомидир. Ҳилолийнинг маснавийсига нисбатан бу каби кескин раддия орқали Бобурнинг эстетик идеал шахс тушунчаси ҳам равшан сезилмоқда. Адабиётшунос олим Ҳасан Қудратуллаев Бобурнинг ушбу танқидига қуйидагича ёндашади: «...адиб «Шоҳ ва Дарвеш» достонида ўша даврдаги ҳукмрон шахслар ахлоқини танқид қилиб, улардаги мавжуд иллатларни маҳорат билан фош этади. Булар орасида Хуросон салтанатида бек ва амирлар орасида бесоқолбозликка моил шахсларнинг мавжудлигини «Шоҳ ва Дарвеш» асари орқали танқид қилган. Лекин Бобурга Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Дарвеш» достони умуман ёқмайди, уни мавжуд анъанавий услубни бузганликда айблайдилар. Кўриниб турибдики, Бобурга Ҳилолий асарининг ғояси-шоҳларни танқид қилиниши, бошқача қилиб айтганда, шоҳнинг фош этилиши маъқул тушмаган».¹⁴ Бизнингча, бир умр адолат йўлида улуғвор салтанат қуришга ҳаракат қилган Бобурнинг назмда йирик ва кенг қамровли жанр – маснавийнинг марказига шоҳ образининг олиб келиниши ва унинг фақатгина ишқий кайфият пардаси билан яратилишини, табиийки, қабул

¹³ Ўша манба.

¹⁴ Қудратуллаев.Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик олами. Маънавият.-Т.:2018.-Б.44.

килолмаган. Яна бир томони тасаввуфий мазмундаги асарларнинг рамзан турли образлар билан бой бўлиши, зоҳиран ишқда жинс ва ёш тушунчаларини фарқланмаслиги каби мотивлар Бобурдек аллома учун ҳам таниш бўлган. Бироқ Бобурнинг бу танқидий мулоҳазаси ана шу тасаввуф назарияси моҳиятини англагани ҳолда рўй бермоқда. Сабаби, бу давргача етиб келган ва яратилаётган асарларда ҳам шахзодага ошиқ қуллар тимсоли мавжуд эди. Масалан, Навоий ижодида «Лисон ут- тайр»¹⁵ нинг Талаб водийсида келтирилган Шахзодага ошиқ икки қул ҳикояти, «Хамса»нинг «Ҳайрат ул-аброр» достони «Мақсаднинг ўталгани» ҳақидаги мақолотда ҳам ана шундай мазмундаги рамзий ҳикоятларда ҳам шундай тимсоллар яратилгани бежиз эмас. Бизнингча, бу ерда Бобурнинг танқиди асосан мана шу мотивларнинг йирик жанр марказига кўчиришга уринишлар ва уларни оммалаштиришларга қарши қаратилган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда Бобур табиий борлиққа хос бўлган мувозанатни борича қабул қилишга ва уни бадиий адабиётда ҳам ўз ҳолича идрок этишга бўлган эстетик талабни кўймоқда. Яъни бадиий адабиётда бадиий образ тушунчаси ортида мантиқийлик бўлиш лозимлигига ундамоқда. Бу ўринда Бобурнинг тасаввуфий оҳангдаги асарлар сюжет қурилмасига бўлган адабий-эстетик талаби яна ҳам ойдинлашади. Лекин Бобур Ҳилолийнинг маснавийсини кескин танқид қилиши ортидан унинг шахсияти ва ижодининг бошқа қирраларига ҳам ўз холис баҳосини беришда давом этади. Бу ҳол унинг мунаққид сифатида холислик ва ҳаққонийлик тамойилига таянганидан далолатдир. Адабиётшунос олима Иқболой Адизова Бобурнинг Ҳилолийга берган таърифи ҳақида шундай мулоҳаза билдиради: «... Бобур Ҳилолийнинг маснавийсини танқид қилса-да, лирик шеърларини *газалларини ҳамвор ва рангин ва камхадшадур* дея тавсифлайди. Қуввайи ҳофизасига ҳавас билан қарайди. Аруз, қофия ва шеър илмининг билимдони эканлигини тан олади».¹⁶

¹⁵ Навоий Алишер. Лисонут тайр. МАТ. 20 жилдлик. -Т.:Фан.1994. 12- жилд. ...-Б.

¹⁶ И.Адизова. Сўзумни ўқуб англағайсен ўзумни. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ .-Т.:2008. Б.28.

Ҳирот адабий муҳити фонида Бобур шоирларнинг адабий таҳаллусига ҳам алоҳида назар ташлайди. Унинг адабий таҳаллусга бўлган муносабати шоир Мулло Муҳаммад Бадахший ижоди таҳлилида аниқ кўринади: «Яна Мулло Муҳаммад Бадахший эди. Ишкамишдиндур. Ишкамиш Бадахшон доҳили эмастур. Ажабтурким, «Бадахший» таҳаллус килибтур». ¹⁷ Бу жиҳатдан Бобурнинг таҳаллус танлашга оид қарашлари Навоийнинг адабий-эстетик қарашларига мувофиқ келади. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»ида бу борада айрим шоирларнинг адабий таҳаллуси ҳақида истехзо аралаш танбеҳ берилса, баъзилари шоирларнинг такрор таҳаллуслардан эҳтиёт бўлишга ундайди. Жумладан, Навоий Бу Али¹⁸ таҳаллусидаги шоирни паришонхотирликда айбласа, Вафой таҳаллусидаги шоир эса ўзининг илтимосига мувофиқ (Самарқанддаги Аҳмад Ҳожибекнинг шундай таҳаллусда ижод қилгани боис) таҳаллусини ўзгартирганини ёзган эди. Навоийнинг ўзи ҳам форс тилидаги ижоди учун қўллаган дастлабки таҳаллуси Фаноий бўлгани, кейинчалик Ҳиротда шундай таҳаллус билан қалам тебратувчи шоир борлигини билгач, ўз таҳаллусини Фоний билан алмаштиргани ҳақида ўзбек адабиётшунослигида текширишлар¹⁹ олиб борилган. Демак, ўз навбатида адабий таҳаллус қўллаш билан боғлиқ бўлган талаб ва меъёр ўз-ўзидан адабий жараён билан боғлиқ экан. Бобур ҳам бу масалада ўзининг аниқ ва қатъий муносабатини билдирганининг боиси ҳам ана шунда.

Бобур Ҳиротнинг *аҳли фазл ва беназир эли* ҳақида қатор сиймоларни санаб ўтар экан, унинг аҳли илм ва аҳли шуаронинг ахлоқига ва улар қўллаган илмнинг жамиятга қанчалар наф келтира олишига ҳам алоҳида эътибор қилади. Шайхулислом Сайфуддин Аҳмад ҳақида ёзар экан, унинг нақадар донишманд эканлиги, араб филологияси ва нақлиядан кўп билимни ўзлаштирганини таъкидлайди. Унинг етмиш йил мобайнида жамоат

¹⁷ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ. Тошкент:2002. 139-б.

¹⁸ Алишер Навоий. «Мажолис ун нафоис»МАТ.....

¹⁹ Шодиев.Э. Навоийнинг адабий таҳаллуслари. Адабий мерос. Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. Илмий асарлар тўплами. 1.(5) -Т.: -1990.-Б.

намозини тарк этмагани ва барча мазҳаб эгаларини бирдек риоят қилганини ижобий хислат сифатида қадрлайди. Бу жиҳатдан Бобурнинг дин пешвоси вакили дунёқарашидаги кенглик ва маърифатпарликни улуғлагани кўринмоқдаки, бу юксак фазилат Бобурнинг ўзига ҳам хос эди.

Шу билан бирга аҳли фазл сафидан Мавлоно Шайх Ҳусайн таърифида илми адабнинг асосий тамойилларидан бўлган шаклан қисқалик, моҳиятан кенгликни ифодалаш ҳақида сўз боради: “Ҳикамиёт ва ақлиёт ва калом илмини хўб билур эди. Оз алфозда кўп сўз топиб, диққат билан гуфтўғу қилмоқ анинг ихтироидур.”²⁰

“Бобурнома” матни таркибида ҳам мана шундай шаклан қисқалик ва мазмунан теранлик устуворлик қилиши шу каби адабий мезонга таянишнинг белгисидир.

ХУЛОСА: Мунаққид сифатида Бобурнинг маълум шоир ёки аҳли илмнинг ижодий портретини чизишда унинг ахлоқий нуқсонлари ёки камчиликлари билан параллел ҳолда биргаликда тасвирлаш ҳоллари кўп учрайди. Бу қиёслов орқали Бобурда ижодкорнинг ҳамма жиҳатини яхлит илғаш ҳамда тўлалигича қамраб олишга бўлган ҳаракат кучлилик қилади. Баъзи ўринларда эса Бобур адабий жамоатчилик эҳтиромига сазовор бўлган, кўпчилик улуғлаган шоирлар тасвиридан бошқалар фазилат деб билган жиҳатдан ажабланишини яширмайди. Масалан, Мулло Абдулғафур Лорий ҳақидаги замондошларининг таърифларида асосан унинг ижобий сифатларини санаш ва улуғлашга уриниш кузатилади, боиси Мулло Абдулғафур Лорий Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ардоқли муриди эди. Жомий сиймосининг *соясси* ортидан бу ижодкорнинг феъли-сажияси ҳақида фақат яхши жиҳатларни жамлашга ҳаракат қилишар эди. Бобур эса саҳифаларда бироз олдинда келган Мавлоно Абдурахмон Жомий шахсиятини юксак нуқтада тасвирласа-да, унинг шогирди баҳосида эса барибир қаттиққўл мунаққидлигича қолади: “Яна Мулло Абдулғафур Лорий эди. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ҳам муриди, ҳам шогирди эди.

²⁰ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарк. -Т.:2002. -Б.137.

“Нафақот”қа шарҳ йўсунлиқ бир нарса битибтур. Улуми зоҳирияға бисёр мустаҳзар эди. Бовужуди улуми зоҳирий, улуми ботинийдин ҳам баҳраманд эди. Ажаб бетаайюн ва бетакаллуф киши эди. Ҳар кимни мулло десалар, анинг олида жузв тортмоқдин ори йўқ эди. Ҳар ерда дарвеше нишон берсалар, анинг қошига етмагунча қарори йўқ эди..” Бобурнинг бу мушоҳадасида унинг аҳли илмга бўлган юксак илмий одоб талабларига ҳам ишора бор. Илм аҳлининг ўз босиқлигини сақлаши, ҳар қандай ҳаваскор изланувчи билан тортишмаслиги, ўзаро масофани сақлаш кераклиги ҳақидаги ақидасини илгари сурмоқда. Умуман олганда, “Бобурнома”нинг бошқа саҳифаларида ҳам Бобур адабий-эстетик қарашларига бирор бир сиймонинг мавқеи таъсирини, унинг зўраки юмшаганини ҳеч ҳам кўрмаймиз. Бу ҳол унинг ҳар бир ижодкор қиёфасига ўзгача ёндашишга ҳаракат қилганидан дарак беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. M. Ugur Derman Armagani. Altmisbesinci Yasi Munasebetiyle Sunulmus Tebligler. The *Majilis al-'Ushshaq*:Written in Herat, Copied in Shiraz, Read in Istanbul».Sabanci universitesi-2000.p-34
2. Алишер Навоий. «Мажолис ун нафоис»МАТ.....
3. Болтабоев Ҳ. “Бобурнома”да Андижонийлар// Мумтоз сўз қадри. - Т.:Адолат. 2004.-Б.59.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ. НМАК. -Т.:2002. - Б137.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ. НМАК.-Т.:2002. – Б.129.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ. Тошкент:2002. 139-б.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ.НМАК.- Т.:2002. - Б.136.

8. И.Адизова. Сўзумни ўқуб англағайсен ўзумни. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ .-Т.:2008. Б.28.
9. Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик.-Т.2020. –Б.22. Навоий А. Муҳокамат ул-луғатайн. -Т.: Тафаккур.2014. –Б.106.
- 10.Қудратуллаев.Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик олами. Маънавият.-Т.:2018.-Б.44.
- 11.Навоий Алишер. Лисонут тайр. МАТ. 20 жилдлик. -Т.:Фан.1994. 12-жилд. ..-Б.
- 12.Навоий. Хамса.Нашрга тайёрловчи А.Ҳожиаҳмедов.-Т:Янги аср авлоди. 2010.-Б. 66.
- 13.Шодиев.Э. Навоийнинг адабий таҳаллуслари. Адабий мерос. Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. Илмий асарлар тўплами. 1.(5) -Т.:-1990.-Б.
- 14.Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Шарқ. -Т.:2002. -Б.137.